

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Урганч тумани

24.11.2022 йил

“SHAXRAMBEK AKROMBEK” МСНҲ бундан буён матинда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Х.Бекдурдиева фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Ушша туман болалар санаторийи туғри ИДМ И бундан буён матинда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбар В.Шарипов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан қуйидагилар туғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли товарни «Харидор» га мулк қилиб топшириш, «Харидор» эса ушбу товарни қабул қилиш ва хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар хақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.

1.3.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Постельное бельё размер 2,00 м x 1,50 м наволочка 0,65 м x 0,65 м 100% х/б суперсатин	Комплект	130	147500	19 175 000
2					
3					
4					
Жами:					19 175 000

1.4. Товарнинг умумий баҳоси (Ўн тўққиз миллион бир юз етмиш беш минг) сўмни ташкил этади.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

«Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.2. Тўлов шакли: Пул Сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йули билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.1.2. «Сотувчи» нинг иктисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.1.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.1.4. «Сотувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

3.2. «Сотувчи» нинг ҳуқуқлари:

3.2.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.2.2. «Харидор» нинг иктисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.2.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қону ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.2.4. «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган маҳсулотни «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 банк иш куни ичида беришга.\*

4.1.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.1.3. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

4.1.4. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 иш куни ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.3-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

4.2. «Харидор» мажбурияти:

4.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

4.2.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.2.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 1 иш куни ичида «Сотувчи»ни огохлантириш;

4.2.4. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

5.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги ва тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Харидор» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Сотувчи»дан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса «Харидор» етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, «Сотувчи»дан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундиришга ҳақли.

5.5. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабини олган пайтдан бошлаб, 15 (ўн беш) кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт.

5.6. Идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун «Сотувчи» «Харидор»га бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.7. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек «Сотувчи» шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Харидор» етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

5.8. Товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун «Харидор» маҳсулот «Сотувчи»га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.9. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5.10. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

6.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 7. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

7.2. Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси иқтисодий суднинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин

### 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

### 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб 2 нусхада тузилган, ҳамда ушбу шартнома ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга қиради

9.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

### 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

<b>«ШАХРАМБЕК АКРОМБЕК» МСНҲ</b>	<i>Хотиндо т. бекдор сомо тўраев турмуши ШПММ</i>
Манзил: Урганч туман Чотқўпир кишлоғи Гулобод МФЙ	Манзили: <i>Хотиндо тўраев Турмуши</i>
Тел: 99-566-92-22	Тел./факс: <i>99-94-473</i>
Банк: «Hamkorbank» АТБ Урганч филиали	Шхр: <i>10002126033227792300000001</i>
х/р: 2020 8000 0053 4468 8001	ИНН: <i>205230282</i> ОКОНХ: <i>85710</i>
ИНН: 308 198 340	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 01020	х/р: 23402000300100001010
	ХККМ Марказий банк Тошкен шаҳар ини: 201122919 МФО: 00014



**Х.Бекдурдиева**  
(Ф.И.О.)



**М.У.**  
(ИМЗО)

**О. Шайринов**  
(Ф.И.О.)

Юрист: *Отаманов* **Н. Отаманов**